

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ  
СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ ИККИНЧИ ҮҚИШДА КҮРИБ ЧИҚДИЛАР

6-7 июнь кунлари Қонунчиллик палатасининг наебатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар иккинчи ўқишида бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар корпусининг олоҳида эътиборини тортди. Бу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини яна-да мустаҳкамлаш ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораларини ли-бераллаштириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги билан боғлиқдир.

Чунончи, «Бухгалте-рия ҳисоби тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Истеъ-молчиликнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Хўжалик процессуал, Божхона, Солик кодексларига ва мамлакатимизнинг бошқа қонун хужжатларига тузатишлиар киритилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳасида юридик шахслар учун соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган молиявий санкцияларни бекор қилиш, айни бир вақтнинг ўзида та-корий қоидабузарлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини икки баравар ошириш, шунингдек божхона назоратининг охирги муддатини уч йил билан чеклаш ҳамда товарлар божхона тозаловидан ўтказилган вақтдан бошлаб бир йил ўтганидан кейин

божхона тўловларини кўшиб ҳисоблашни тақиқлашни назарда тутадиган ўзгариш ва кўшимчалар киритилмоқда.

Мажлиса «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгаришилар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Хужжатда умумқабул килинган халқаро талаблар ва андозаларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўкув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахслар ҳамда давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга, табиият атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-хуқуқий хужжатлар талаблariiga мувофиқлигини тасдиқлашга қаратилган «Муовофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кун тартибидаги кейинги масала бўлди. Мазкур қонун лойиҳалари ҳар томонлама моддама-модда муҳокама қилинганидан кейин Қонунчиллик палатаси томонидан қабул қилинди.

7 июнь куни Қонунчиллик палатасининг депутатлари иккинчи ўқишида иккита қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси)



тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) келтириб чиқарадиган ОИТС касаллиги ҳозирги вақтда барча мамлакатлар учун глобал муаммога айлангани қайд этилди.

Халқаро тажрибани ҳар томонлама таҳлил қилиш ўтган давр мобайнида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш масаласига ёндашувлар кескин ўзарганилигини кўрсатмоқда. Бу ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунни янада такомиллаштириш зарурлигини белгилаб берди. Амалдаги қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси фаолияти, унинг ваколатлари, уни ташкил этиш тартиби ҳуқуқий тартиба солинмаган.

Шунингдек, мажлиса нефть қувурларига, газ қувурларига рухсатсиз уланиш йўли билан ўғирлик содир этганлик, уларга шикаст етказганлик ва уларни яроқсиз ҳолга келтирсанлик учун жавобгарлик, шу жумладан жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчиллик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.**

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинганди бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [norma.uz](http://norma.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ – БАЗАВИЙ МУАССАСА

Президентнинг 23.05.2013 йилдаги ПҚ-1971-сон қарори билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети чет тиллари бўйича узлуксиз таълим тизимининг республика базавий таълим ва илмий методик муассасаси этиб белгиланди.

Унга юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш; давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва дастурларини, ўкув ҳамда ўкув-методик кўлланмаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш; чет тилларни ўқитишининг замонавий услубарини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузурида Чет тилларини ўқитишининг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази ташкил этилади.

Қарор билан 2013/2014 ўкув ҳилида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига қабул квоталари:

бакалаврлар тайёрлаш бўйича 1 350 киши, шу жумладан давлат грантлари бўйича – 385 киши;  
магистрларни тайёрлаш бўйича – 131 киши, шу жумладан давлат грантлари бўйича – 19 киши этиб белгиланди.

Хужжат билан чет тилларни ўрганиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида давлат таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган компьютер техникаси, маҳсус асбобускуна ва инвентарлар 2017 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташкири) тўлашдан озод қилинди.

### SPEAK ENGLISH! – YES!

Вазирлар Маҳкамасининг 24.05.2013 йилдаги 141-сон қарори билан Ҳукуматнинг айрим қарорларига уларни Президентнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (10.12.2012 йилдаги ПҚ-1875-сон) мувофиқлаштириш мақсадида ўзарганиш ва кўшимчалар киритилди.

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни таълим муассасалари учун дарслерни ва ўкув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида низом (ВМнига 22.11.2004 йилдаги 548-сон қарорига З-илова) хорижий тилларни ўрганиш учун ўкув адабиётлари яратиш ва уларни модернизация қилиш бўйича муаллифлар гуруҳларини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби билан тўлдирилди. Унга танлов асосида танлаб олиш натижаларини ўтироф этиш ва тақорий танлов асосида танлаб олиш тартибини белгиловчи меъёллар киритилди.

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни таълим муассасалари учун дарслерни ва ўкув-методик комплексларни танлаб асосида танлаб олиш тартиби тўғрисида низомга (ВМнига 22.11.2004 йилдаги 548-сон қарорига 4-илова) киритилган кўшимчалар билан «ўкув адабиёт макети», «ўкув адабиётининг асл нусхаси-макети», «нашр», «қайта нашр қилиши» тушунчалари киритилди.

Хужжат билан бошқа бир қатор ўзарганишлар киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 27.05.2013 йилдаги 143-сон қарори билан 2013–2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишининг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашни (кўшимча жиҳозлашни) жадаллаштириш Дастури тасдиқланди. У кабинетларни замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишининг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш нормативларини ўз ичига олган. Чунончи, 1–4-синфлар учун чет тилини ўрганиш кабинетида ўқитувчи учун компьютер, 2 та динамик, 2 та оптик сичқонча, видеопроектор, видеопроектор учун винил экран, компьютер учун DVD-магнитола, ўкув-кўргазмали кўлланмалар, электрон доска; 5–9-синфлар учун – ўқитувчи учун компьютер ва принтер, ўкувчилар учун компьютерлар, дастурлий таъминот, стабилизатор бўлиши керак.

Дастурни молиялаштиришнинг асосий манбалари Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташкири Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Олий таълим муассасалари-

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

нинг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари; олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тұлов-контракт шаклидан түшгән маблағлар; давлат бюджети маблағлары; имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

## ТАБИАТГА ЭХТИРОМ ДАСТУРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 27.05.2013 йилдаги 142-сон қарори билан 2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитасига унинг бажарилишини назорат қилиш юкланди.

Дастур Ўзбекистонда иқтисодий испоҳотларни экологик жиҳатдан биргалиқда олий бориш борасидаги табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мамлакатни барқарор ривожлантириш мақсадларига эришишга қаратилган. Унда:

табиатни ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

ҳаво мұхити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш;

экологик оғат минтақасида экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш ва бошқа вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган.

Дастурни бажариш кўйидаги бешта асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади: яшаш мұхити ва экологик ҳаффиизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шартшароитларини яратиш; иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, технологик жараёнларни ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш; атроф-мухитнинг чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш; тегишли қонунчиликни ва мөъерий-услубий базани ҳамда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш.

## МИС ҚУВУРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2013 йилдаги 146-сон қарори билан «Ангрен» МИЗ худудида турли диаметрли мис қувурлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Фойдаланишга топшириш муддати 2013 йилнинг IV чораги этиб белгиланган ушбу ишлаб чиқариш техник-иқтисодий асослашининг асосий техник параметрлари тасдиқланди. Кўйдагилар лойиҳани молиялаштиришнинг манбалари этиб белгиланди: «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг 10,28 млн АҚШ долларига тенг суммадаги маблағлари; «Ипотека банк» АТИБнинг 12,27 млн АҚШ доллари суммасидаги ва 12,93 млн АҚШ долларига тенг суммада миллий валютадаги кредити.

«Олмалиқ КМК» ОАЖ лойиҳаси амалга оширилиши учун «Jiangsu Xingrong High Tech Co., Ltd» (XXP) компанияси билан – технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва йигиш, шеф-монтаж ҳамда ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш юзасидан; «TOSHELECTROAPPARAT» МЧЖХК билан – фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан лойиҳалаш, куриш, монтаж қилиш, ишга тушириш-

созлаш ишларини бажарган ҳолда электротехника асбоб-ускуналарни тайёрлаш ва етказиб бериш юзасидан; «SAM Bouilding Contracting LLC» (БАА) компанияси билан – ишлаб чиқариш биносининг металл ва девор конструкцияларини, унинг учун асбоб-ускуналарни етказиб бериш, монтаж қилиш ҳамда ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш юзасидан контрактлар тузилган.

Лойиҳа доирасида мустақил юридик шахс мақоми билан «Ангрен қувур заводи» унитар корхонасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Унинг устав фонди унга вуажуда келган мулкий комплексни ва «Олмалиқ КМК» ОАЖ томонидан бошлангич айланма маблағларни бериш ҳисобига шакллантирилади.

## БҮГДОЙ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2013 йилдаги 147-сон қарори билан 2013 йил ҳосили бошоқли экинлар донлагирига харид нархлари тасдиқланди. Хусусан, 1-тоифа қаттиқ бүгдийнинг 1 тоннаси 623 490 сўм, 2-тоифаси – 549 890 сўм, 1-тоифа юмшоқ бүгдой – 519 090 сўм туради.

Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган қишлоқ ҳужалиги маҳсулотини ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси ва «Ўзданмаҳсулот» АҚга ғаллакорлар билан давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган дон ҳақини ўз вақтида бериш топширилди.

## БАНКНОТАЛарНИ ЎРАШГА ҚҚС ҲИСОБЛАНМАЙДИ

Молия вазирлиги, Марказий банк бошқаруви, ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 29.05.2013 йилда 2460-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қўшилган қиймат солигидан озод этиладиган молиявий хизматларга таалуқли операциялар рўйхати тасдиқланди. Ушбу Рўйхатда қайси операциялар Солиқ кодексининг 209-моддасига мувофиқ ҚҚдан озод этиладиган молиявий хизматларга кириши аниқ белгиланган.

## БОЖХОНАГА ОИД АНИҚЛАШТИРИШЛАР

ДБҚ, «Ўзбекэнерго» ДАҚ қарори (АВ томонидан 30.05.2013 йилда 1433-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергияни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди.

Улар билан белгиланишича, электр энергиясининг ҳисоб-китоб қилинадиган ҳисобини юритувчи ускуналардан кўрсаткичларни ўрта ҳисбдаги Европа вақти (Гринвич меридиани бўйича +1 соат) бўйича олиш лозим. Электр энергиясининг тижорат тусидаги қайта оқимига доир ахборот илгари бўлганидек нафақат факсимил алоқа, балки қоғоз ёки электрон шаклда ҳам берилиши мумкин.

Эндилиқда истисно ҳолларда (БЮД топшириш учун зарур ҳужжатларни топшириш асосли равишда кечикканда) уни топшириш муддати расмийлаштириши амалга ошируви божхона пости бошлигининг рухсатисиз 10 календарь кунга узайтирилиши мумкин.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди.

\*\*\*

ДБҚнинг қарори (АВ томонидан 30.05.2013 йилда

1404-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Президентнинг 16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон ва 18.07.2012 йилдаги ПФ-4455-сон фармонларига мувофиқ «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимига мувофиқ шартли чиқарип юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Низомдан:

ДБҚ ҳудудий бошқармаси ёки ихтисослаштирилган божхона мажмуги бошлиғи ёхуд унинг ўрнини босувчи шахснинг товарларни шартли чиқарип мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқини берувчи;

ДБҚ ёки ИБМ аризасини кўриб чиқиш муддатини белгиловчи меъёрлар чиқарип ташланди.

Шартли чиқарип имкони берилмайдиган сабабларга 1-варларни шартли чиқарип унинг божхона постига тақдим этиладиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг йўқлиги ёхуд уларнинг нотўғрилиги кўшилди.

## РЎЙХАТДАН ЎТМАЙ ИШЛАШ БИР ЙИЛЛИК СОЛИҚ ТЎЛАШГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Молия вазирлиги, ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 31.05.2013 йилда 2463-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Президентнинг 25.12.2012 йилдаги ПҚ-1887-сон қарори билан белгиланганидек, жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият турларини амалга ошириш ҳолатлари аниқланган тақдирда, солиқ органлари тегишили фаолият турни бўйича белгиланган ставгадан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган қатъий белгиланган солиқни йиллик ҳажмда бирёйла ундирилди. Бу тартиб якка тартибдаги тадбиркорлар шугулланиши мумкин бўлмаган фаолият турларини амалга ошираётган жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолатини аниқлаган солиқ органлари 2 иш куни давомида жисмоний шахсга қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани тақдим этадилар. Агар уни амалга ошириш жойи доимий яшаш жойида бўлмаса, у ҳолда ушбу далилни аниқлаган солиқ органни у тўғрисидаги маълумотларни қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини ҳисобланган жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги солиқ органига юборади.

Жисмоний шахс далил аниқланган санадан бошлаб 30 кун ичидаги қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаши ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтган жисмоний шахсга қатъий белгиланган солиқнинг ҳисобланган йиллик суммасини 12 ой давомида ушбу давр учун қатъий белгиланган солиқ бўйича келгуси солиқ мажбуриятлари ҳисобига тўлаш ҳуқуқи берилади.

Бўлиб-бўлиб тўланадиган қатъий белгиланган солиқнинг суммаси ўз вақтида тўланмаган тақдирда Солиқ кодексидаги белгиланган тартибда пеня ундирилди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛарНИНГ СҮМГА НИСБАТАН КИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 11 июндан бошлаб валюта операцияларни бўйича бухалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритшиши, шуниндек, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1964,68	1 Польша злотийси	650,74
1 Англия фунт стерлинги	3241,55	1 СДР	3173,77
1 Дания кронаси	369,74	1 Туркия лираси	1108,62
1 БАА дирхами	568,54	1 Швейцария франки	2228,48
1 АҚШ доллари	2088,09	1 ЕВРО	2742,09
1 Миср фунти	299,39	10 Жанубий Корея вони	18,54
1 Исландия кронаси	17,29	1 Канада доллари	212,53
1 Канада доллари	2046,95	1 Хитой юани	340,45
1 Малайзия рингити	668,40	1 Россия рубли	64,77
		1 Украина гривнаси	261,24

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТASIIDA

– Депутатлар қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишида кўриб чиқдилар

1-бет

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси

1-2-бетлар

УШБУ  
СОНДА:

## БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ



## МУНДАРИЖА:

– «Шахсий кабинет» менга нега керак?..

– Электр ҳақини электрон шахсий кабинетдан тұласа бўлади

– Директор устидан шикоят қилгандик – ўзимизни жазолашди

– Бузилган уй учун компенсация масалалари

– Квартирадаги улушингиз...

## Шахсий тажриба

# «ШАХСИЙ КАБИНЕТ» МЕНГА НЕГА КЕРАК?..\*\*

Электр учун қанча ҳақ тўлашингиз кераклигини, бу борада қарзингиз бор-йўқлигини билмоқчимисиз? Сизни тўловларингиз касса орқали тегишли ҳисобварага бориб тушган-тушмаганилиги, ҳисоб-китоб чоғида ҳаммасини эътиборга олган-олмаганилингиз қизиқтираяптими? Ана шундай саволларга вақтида жавоб олиш, энг муҳими электр энергияси истеъмолчиларининг хабардорлик даражасини ошириш ва тўловлар тизимини такомилластириш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси «Электр ҳисоби» тизимини жорий этди. Мазкур тизим қандай ишлаётганлигини мухбиримиз ўз тажрибасида синаб кўрди. Унинг бу тажрибаси газетхонларимиз учун ҳам фойдали бўлса керак деб умид қиласиз.

Энг аввало, дастур ижодкорлари мазкур тизимдан фойдаланувчиларга қандай афзалликлар ваъда қилаётганликларига эътибор қилайлик. «Электр ҳисоби» тизимидан фойдаланиш орқали сиз:

- электр энергияси учун ҳақ тўлашда қулайликка эга бўласиз;
- тўлов ҳисоб-китоб варагига келиб тушганлигидан СМС-хабар орқали дарҳол воқиф бўласиз;
- тўлов хужжатларини (квитанцияларни) тўлдириш ташвишидан кутуласиз;
- абонент ҳисоб-китобидаги ҳолат ҳақида тезкор ахборотга эга бўласиз;
- маблағлар сарфиётини, шунингдек электр энергиясининг ҳар кунги ва ойлик сарфиётини назорат қилиб бориш имкониятига эга бўласиз;
- тармоқдаги носозлик ёки электр вақтинча ўчиб қолганда чақирувингизга кўра таъмирлаш гурухи етиб келишига эришасиз;
- энергия ўтказиш (сотиш) корхоналари билан ҳисоб-китоблар очик-ошкоралигидан баҳраманд бўласиз.

налари билан ҳисоб-китоблар очик-ошкоралигидан баҳраманд бўласиз.

Дастурнинг сервис хизматларидан эмин-эркин фойдаланиш учун туман электр таъминоти корхонасида (ТЭТК) мобил телефонингизнинг рақамини қайд эттиришингиз лозим.

[uzbekenergo.uz](http://uzbekenergo.uz) сайтида «Interaktiv xizmatlar», «Iste'molchilar uchun xizmatlar» (унда биз учун «Maishiy iste'molchilar», хўжалик юритувчи субъектлар учун эса «Yuridik iste'molchilar»га ҳавола бор) бўлимида Йўриқнома билан танишгач, Юнусобод туман электр таъминоти корхонасига бориб учрашдим. Технология ютуқларидан баҳраманд бўлиш истагидагиларни қабул қилиш учун бу ерда муайян вақт белгилаб қўйилмагани, гапнинг рости, мени қувонтирди. Мобил телефонингиз рақамини кассада қайд эттириш билан исталган вақтда бу йўналишдаги илфорлар сафига қўшилишингиз мумкин.


Юнусобод ТЭТК кассалари олдида бироз навбат кутишга тўғри кел-

ди. Электр ҳақини «Visa» карточкаси орқали тўлаш учун касса олдида турган мижозлар нисбатан кўпроқ. Тўловни нақд пул билан ёки «UZCART» тизими орқали тўлаш истагидагилар улардан икки баравар кам ҳисоб.

Иккита ёши улуғроқ аёл, афтидан бир неча йиллик квитанцияларни кўтариб келишган шекилли, ўроғлиқ қофозларни кўлтиқа қисиб олганларича, ўзаро гапга тушиб кетишган. Сал нарида энг охирги квитанцияни ардоқлаб ушлаб олган бир аёл ишга шошилаётганлигини айтиб, жигибийрон бўлмоқда. Эллик ёшларни қоралаб кўйган эркак киши ҳозиргина квитанцияни тўлдириб, тўлайдиган пулини яна бир бор ҳисобламоқда... Хуллас, бу ерда мендан бўлак «Электр ҳисоби» тизимига уланиш учун телефон рақамини қайд эттириш ҳамда ўз ҳисоб-китобидаги ахволга оид маълумотлар олиш нияти йўқ кўринади. Балки ➤

\*Таҳририят ихтилоғли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.

\*\*Ушбу материал дастлаб «Норма» газетасида «Зачем мне нужен персональный кабинет?..» сарлавҳаси остида 30.04.2013 йилнинг 17 (406)-сонида рус тилида эълон қилинган эди. Шу сонда унинг ўзбек тилига ўғирилган матнидан сўнг ушбу мавзу кўтарилиган бошқа материаллар билан ҳам танишасиз.

 улар бундай имконият борлигини умуман билишмас. Кассалар жойлашган торрок хонада бу ҳақда ҳеч қанақа ахборот йўқ. Ҳолбуки, ахборот айни шу жойга кўринарли қилиб осиб қўйилмоғи керак эди.

Навбатим келгач, кассир аёлдан мобил телефоним рақамини маълумотлар базасига қайд этиб қўйишини сўрадим. Оператор қиз шахсий ҳисобварагим рақамини суриштириди. Таассуфки, ТЭТКга боргандан, охирги квитанцияни олиб бориш ёки ҳисобварак рақамини ёзиб олиш зарурлиги ҳақида сайтда ҳеч нарса дейилмаган. Шу сабабли уйга қўнғироқ қилиб, квитанцияда кўрсатилган ҳисобварак рақамини аниқлаб, операторга айтдим, у барча керакли маълумотларни киритгач, яшайдиган квартирам кимнинг номига расмийлаштирилганлиги ва нечта хона борлигини сўради.

Шундан кейин телефон одатдагидек, жиринглаб «Шахсий кабинет»га кириш учун логин ҳам кўрсатилган хабар келди.

12 рақамдан иборат логин муайян шахсий ҳисобварака биритириб қўйилади. Энди «Электр истеъмолчи-сининг шахсий кабинети»га доир пароль олиш керак. Бу уйга боргандан, бажарса бўладиган таомиллардан саналади. ТЭТКда рўйхатдан ўтиш нари борса 5 дақиқа вақтимни олди. Бунинг ҳам асосий қисми касса дарчаси олдида навбат кутиш билан ўтди.

Уйга келгач, компьютерни ёқдим, рўйхатдан ўтиш ишини тамомига етказиши учун олинган логинни киритиб, паролни мужассамлаштириш зарур. Пароль худди логин сингари СМС-хабар ёрдамида олинади.

Яна одатдаги хабар келди. Унда берилган пароль бирмунча фалати эди: XXX.XX. Тажрибамдан шуни яхши биламанки, сайтларнинг аксариятида нуқта рамз сифатида ишлатилмайди. «Шахсий кабинет» сервисларига шу пароль билан кириш йўлидаги бир неча уринишим зое кетди. Шунда XXX ни кирита қолдим ва ... муродим ҳосил бўлди.

«Шахсий кабинет»да қўйидагилардан баҳраманд бўлинади:

- истеъмолчи тўғрисидаги ахборот (шахсий ҳисобварак, телефон рақами, электр ҳисоблагич модели);
- электр ҳисоблагич кўрсаткичи («Шахсий кабинет» эндирига очилганлиги боис бу бўлимда ҳеч қанақа маълумот йўқ эди, ҳолбуки мантиқан олганда, бу ерда реал вақт режимидағи электрон ҳисоблагич кўрсаткичлари акс эттирилмоғи лозим);
- келиб тушган тўлов (бу ерда энг охирги тўловлар кўрсатилади. Шуниси қуонарлики, «Шахсий кабинет»да сизнинг 2011 йилдан бўён амалга оширган тўловларнинг маълумотла-

ри базаси мавжуд, хоҳласангиз уни кўлингиздаги квитанциялар билан сошлишириб кўришингиз мумкин. Шундай қилиш зарур экан. Бир танишим фаромушлик туфайли бир ой учун ҳақ тўламаган, аммо кейинги ойлар учун мунтазам равишда тўлов тўлаб борган. «Шахсий кабинет»ни очгач, қарзи борлигини кўриб, ҳайрон бўлгану кўлидаги ҳужжатлар билан солишириб кўрганидан кейин қилган хатосига ишонч ҳосил қилган);

• шахсий ҳисобварак ҳолати (тизимдан фойдаланувчи шахс электр энергияси учун тўлов ҳисоблаб ёзилганлиги, тўланганлиги ҳақида, қарзи борйўклиги, олдиндан ҳақ тўлаган-тўламаганлиги тўғрисида ахборот олади);

- буюртмалар ва аризалар;
- тасдиқномалар.

Бу «Шахсий кабинет» шарофати билан эга бўлинадиган энг зўр имкониятлардир. Илгарилари электрни тармоқдан узиб қўйиш, ҳисоблагични пломбалаш, уни бекор қилиш ёки алмаштириш учун ёзилган аризани кўтариб, ТЭТКга бориш керак эди. Эндирика «Электр ҳисоби» ёрдамида бу ишларни қилиш жуда осон. Ўзингизга тегишили «Шахсий кабинет»дан туриб, керакли сўровни жўнатасиз ва «Тасдиқномалар» бўлимида сўров қабул қилиб олингани ҳақида сизга хабар келади. Электр ҳисоблагичимни узиб қўйиш, ўзgartириш ёки пломбалатишга менда зарурат бўлмаганлиги боис сервиснинг бу йўналишдаги ишини текшириб ўтирамадим.

Дастур ижодкорлари «Шахсий кабинет»дан туриб, электр энергияси учун ҳақ тўлаш мумкин деб айтишмоқда. Афсуски, бундай ишнинг удасидан чиқа олмадим. «Шахсий ҳисобварак ҳолати» бўлимида «Квитанцияни териш» деган ҳавола бор, унга ўтилгач, тўлов ҳужжати шаклланмоғи керак. Бироқ менинг сўровимга жавобан мониторда «Хабарнома» деган сўз ёзилган бўш бланка пайдо бўлди, холос. Бу иш маромига етказилади деб умид қиласиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳисоблагич

кўрсаткичларини мустақил тарзда кирита олмайсиз, негаки тизим ҳисоб-китобда хатоликлардан ҳоли бўлиш мақсадида инспектор бориб кўриб қайд этган натижаларнига қабул қиласи. Энергия ҳисобининг замонавий тизимиға ҳамма жойда ўтилиши билан электрон ҳисоблагич кўрсаткичлари энергия етказиб берувчининг маълумотлар базасида online режимида акс этадиган бўлади деб ишонамиз.

Бугунги кунда инспектор хонадон-ма-хонадон юриб, дастур серверига СМС-хабар юборади (унда абонентнинг шахсий ҳисобвараги, телефон рақами, ҳисоблагичнинг текширув асносидаги кўрсаткичлари кўрсатилган бўлади. Ана шу тартиб-таомил натижасида инспектор ҳисоблагич кўрсаткичини ёзиб олганлиги ва фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ тўлашингиз зарурлиги ҳақида хабар оласиз. Ҳақ тўлашни яна ўша эски, синалган усул билан, яъни банк кассасига бориб ёки бирмунча замонавийроқ усул – Raunet тизими орқали амалга оширасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Шахсий кабинет» муайян мобил телефон рақамига бутунлай боғлаб қўйилмаган. Мабодо қўл телефонингизни ўзгартирадиган бўлсангиз, унинг рақамини хабар қилиш учун яна ТЭТКга бориб юришнинг ҳожати йўқ – бу ишни «Шахсий кабинет»нинг ўзи амалга оширади. Аммо, «Шахсий кабинет»га кириш учун оддийгина паролни ўзгартира олмайсиз. Дастур ижодкорлари келгусида буни албатта инобатга олишлари керак.

Умуман олганда, дастур чиндан ҳам қулай ва онлайн-сервисга бир неча бор иши тушган, Интернетда ишлаш қоидаларини биладиган ҳар қандай одамга тушунарлидир. Коммунал хизматлар учун тўловлар билан боғлик ҳисоб-китоблар билан шуғулланиб ўтиришга фурсати ёки чидами етмайдиганлар учун ҳам бу тизим жуда мақбулдир.


**Ольга КИРЬЯКОВА,  
мухбиримиз.**

### ОРАДАН БИР ЯРИМ ОЙ ЎТГАЧ

Мана, «Энергия истеъмолчисининг шахсий кабинети»га эга бўлганимга ҳам бир ярим ой бўлди. Ушбу мақолани нашрга чоп қилишдан олдин яна бир бор «Шахсий кабинет»га кириб, ўтган давр мобайнида нималар ўзгарганинг қизиқиб кўрдим.

«Ҳисоблагич кўрсаткичлари» бўлимида жойларга бориб ахволни ўрганиб чиқкан ТЭТК инспектори қайд этиб, дастурга СМС-хабар йўсимида жўнатган маълумотлар акс эттирилибди.

Лекин «Шахсий ҳисобварак ҳолати» бўлимидан туриб, тўлов тўлаш учун квитанцияни босиб чиқаришга бариб мувваффақ бўлмадим. Бу галги сўровимга жавобан мониторда «\*\*\*Маълумотлар йўқ, тўлов санаси ҳисоб-китоб амалга оширилаётган ойга мувофиқ эмас\*\*\*» деган хабар пайдо бўлди. Эҳтимол, ойнинг охирги куни ҳисобваракни чиқаришга мувваффақ бўларман. Бироқ нима бўлганда ҳам бу галча ўзимнинг «Шахсий кабинет»имдан тўлов тўлашнинг иложи йўқ.



## ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ ЭЛЕКТРОН ШАХСИЙ КАБИНЕТДАН ТҮЛАСА БҮЛДИ

**Коммунал хизматлар ҳақини вақтида түлаш зарурлиги ҳақида неча йиллардан бери муттасил гапириб келинади. Түлов түлашни бир-икки ой үтказиб юборгач, цивилизация неъматларидан фойдаланганлик учун йигилиб қолган суммани бирйўла түлаш қийинлигини ҳар ким ҳам билса керак.**

Уй-жой кодексининг 134-моддасида белгилаб қўйилганидек, кўрсатилган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечикирмай тўланмоғи лозим. Акс ҳолда турар жойларнинг мулқорлари, ижарага олувчилари кечикирилган ҳар бир кунга юридик шахслар учун 0,4 фоиз, жисмоний шахслар учун 0,1 фоиз миқдорида, бироқ кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлади. Кўрсатилган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар З ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда бундай хизматлар кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб турилади. Шундай қилиб, квартирам электрсиз, газсиз, сувсиз қолмасин деган одам коммунал хизматлар ҳақини вақтида түлаш тадоригини кўрмоғи лозим.


Тўлов тўлаш ёдидан кўтариладиган ёки бунинг учун банкка бориб, вақт кетказиши истамайдиганлар учун Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда<sup>1</sup> (бундан бўён матнда 1031-сон Низом деб юритилади) иш берувчига ходимнинг коммунал тўловларини унинг иш ҳақи суммасидан ўтказиш йўли билан тўлаш имконияти назарда тутилган. Бунинг учун иш ҳақингиздан коммунал хизматлар тўлови суммасини чегирма қилиш ҳақида бухгалтерияга ариза бериш кифоя. Аризада бундай хизматлар қиймати ва тури, коммунал ташкилот реквизитлари ва сумма ушлаб қолиниши жоиз бўлган давр кўрсатилади.

Асосан тўлов суммаси муқим бўлмаганлиги учун ҳам яқин-яқинларгача бундай амалиёт унча оммалашмаган эди. Зотан бухгалтерияга ой сайнин шундай ариза бериб боришга тўғри келарди.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси истеъмолчиларга кўрсатиладиган интерфаол хизматлар тизимини такомиллаштира бориб, афтидан бу муаммо ечимини топган кўринади. Юқоридаги мақолада «Электр ҳисоби» дастуридан жисмоний шахслар қандай наф кўриши мумкинлиги ҳақида сўз юритилган эди. Ҳар биримиз ана шу дастур ёрдамида ўзимизга тегишли «Энергия истеъмолчисининг шахсий кабинети»ни очишимиз мумкин. Унга истеъмол қилинган электр энергияси юзасидан қилинган ҳисоб-китоблар тўғрисида мунтазам равишда ахборот келиб туради.

«Электр ҳисоби»да юридик шахслар учун ҳам «Шахсий кабинет» бор. Бухгалтер шу йўналишда иш юритиш асносида унга истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов суммасини иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида ариза берган ходимлар реестрини жойлаштириши мумкин. Энергетиклар эса ҳар ой учун тўлов суммаси ҳисоб-китобини қилиб борадилар.

– Корхона бухгалтерлари «Шахсий кабинет» ёрдамида ходимлар ҳақидаги, уларнинг манзиллари тўғрисидаги



маълумотларни киритиши ишни анчагина соддалаштиради, – дейди «Ўзбекэнерго» ДАК «ЭнергоАБТсозлаш» филиали бўлим бошлиги Малика Расулова. – Илгарилари тўловчилар ва улардан ушлаб қолинган суммаларга оид, бизга келиб тушган реестрлар бўйича тегишли ишларни кўлда бажарар эдик. Бу жараённинг автоматлаштирилиши ва ишончли ахборотларни бирламчи манбалардан олиниши ишни анчагина енгиллаштириди ва ишончли тарзда кечишини таъминлади.

«Шахсий кабинет» бошқа қатор имкониятлар берадиганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Чунончи, агар бухгалтер унда кимнинг уяли телефон рақамини кўрсатган бўлса, шу ходим учун майший истеъмолчининг «Шахсий кабинети»ни очиб беришади. Унда тўлов статистикасига оид маълумотларни кўздан кечириш, бу маълумотларни қўлингиздаги квитанциялар билан солишириб кўриш мумкин.

Дарвоqe, квитанциялар ҳақида. Иш берувчи маблағларни коммунал ташкилотларнинг ҳисобварагига ўтказган тақдирда, иш ҳақидан ушлаб қолинган ходимга коммунал тўловлар тўланганлигини тасдиқловчи, корхона бош бухгалтери томонидан имзоланган ҳужжат бермоғи лозим.

«Ўзбекэнерго» компаниясидагилар юридик шахснинг «Шахсий кабинети» ёрдамида ташкилотлар ўзларига тегишли бошқа маълумотлардан, хусусан қуйидаги маълумотлардан ҳам баҳраманд бўла оладилар деб ваъда қилмоқдалар:

ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини кўздан кечириш; тўлов бўйича шахсий ҳисобварақ ҳолатини кўздан кечириш;


ҳисоб-китобларнинг расшифровкасини кўздан кечириш; қарз суммасини билиш;

тўлов силсиласидан воқиф бўлиш;


«Ўзбекэнерго» ДАК билан шартноманинг асосий реквизитларини назардан ўтказиш;

жорий давр ҳисоботини киритиш;

1031-сон Низом бўйича рўйхат маълумотларини киритиш;



<sup>1</sup>МБ, МВнинг АВ томонидан 15.05.2001 йилда 1031-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.



айланма ведомостини кўздан кечириш ва ундан кўчирма олиш;  
ташкилот реквизитларига, зарурати бўлганда, тузатиш киритиш;

буортмалар ва аризалар киритиш;  
туман электр тармоқлари корхонасидан хабарлар олиш.

Шундай қилиб, юридик шахсга «Шахсий кабинет» ажратиб бердилар. Энди у туман электр тармоқлари корхонасида (ТЭТК) рўйхатдан ўтмоғи зарур. Логин билан паролни унга юридик шахслар билан иш олиб борадиган бухгалтер беради.

«Шахсий кабинет»га сиз [uzbekenergo.uz](http://uzbekenergo.uz) сайти орқали киришингиз мумкин. «Interaktiv xizmatlar» ҳаволаси орқали «Iste'molchilar uchun xizmatlar»га ўтиб, «Yuridik iste'molchilar» танланади-да, ТЭТКдан олинган логин ва паролни киритсангиз, ташкилотингизнинг «Шахсий кабинет»га йўл кенг очилади. Унда қуидаги хизматлардан баҳраманд бўлиш таъминланади:

- истеъмолчининг ахборотлари;
- ҳисоблагич кўрсаткичлари;
- ҳисоблаб чиқарилган суммалар ва ўтказмалар силсиласи;
- келиб тушган тўлов;
- муайян давр учун учун ҳисоб-китоб;
- шартномани кўздан кечириш;
- 1031-сон Низом бўйича рўйхат;
- лимитни ўзгартиришга оид талабнома;
- реквизитларга, зарурати бўлганда, ўзгартишлар киритиш;
- буюртмалар ва аризалар;
- тасдиқномалар.

**«Истеъмолчининг ахборотлари»** компаниянгизга оид маълумотларни, шартнома тартиб рақамини, шахсий ҳисобварақ рақами ва бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Бу ерда сиз «Шахсий кабинет»даги мавжуд маълумотларни солишириб олишингиз ва номутаносиблик бўлган тақдирда ноаниқликларни тузатишингиз мумкин. Булардан айримлари, айтайлик, ташкилот бошқа жойга кўчиб ўтганилиги муносабати билан унинг ўзгарган манзили ва телефон рақамини тўғридан-тўғри «Шахсий кабинет»да тузатавериш мумкин, бошқа маълумотлар хусусида эса ТЭТКга мурожаат қилиш ва керакли ҳужжатларни тақдим этиш лозим.

**«Ҳисоблагич кўрсаткичлари»** корхонангизда ўрнатилган ҳисоблагичнинг (ҳисоблагичларнинг) маълумотларини кузатиб бориш имкониятини беради. Бунда айниқса «Ким томонидан (АСКУЭ, назоратчи, ҳисобот) бажарилган» деган бандга алоҳида эътибор бериш зарур.

– Ҳисоблаб чиқишининг бир неча тури мавжуд, – дейди Малика Расурова изоҳ берган бўлиб. – Мабодо Сизларда ЭИХНАТ электрон ҳисоблагич ўрнатилган бўлса, унинг кўрсаткичлари ТЭТКга, шу жумладан «Электр ҳисоби» дастурига автомат тарзда юборилади. Тўлов бир неча ойга оид кўрсаткичлар асосида, электр энергиянинг ҳисоблаб чиқарилган ўртача сарфиётидан келиб чиқиб ҳисобланади. Назоратчи инспектор ташкилотга бориб, ҳисоблагичдаги ҳақиқий кўрсаткични қайд этади. «Шахсий кабинет»да ҳисоблаб чиқарилган суммани аниқлашириб олиш учун уни чақиришига оид ёзув қолдириш мумкин.

**«Ҳисоблаб чиқарилган суммалар тарихи»** ҳамда «Келиб тушган тўлов» менюдаги сиз ҳисоблаб чиқарган суммалар ва амалга оширган тўлов ҳақидаги ахборотларни ўзида мужассам этувчи бўлимлар бўлиб, ундан қарзингиз бор-йўқлигини билиб олишингиз, барча тўловлар инобатга олинган-олинмаганлигидан воқиф бўлишингиз мумкин. Агар ундаги қайсиdir маълумот қўлингиздаги ҳужжатларга мос бўлмаса, қайта ҳисоб-китоб қилиш ва масалага ойдинлик киритиш учун ТЭТКга мурожаат этишингиз керак.

**«Муайян давр учун учун ҳисоб-китоб»** ҳисоблаб чиқарилган суммалар ва ўтказмалар силсиласини; улар юзасидан амалга оширилган тўловларни кўздан кечириш, шунингдек олдиндан тўлашга оид ҳисобваракни, тўловга оид ҳисобварак-фактурани, истеъмол қилинган электр энергияси юзасидан ҳисоб-китобларни, ортиқча сарфиётга оид далолатномани, электр энергияси учун, ортиқча сарфиёт учун, пеня учун тўлов талабномаларини шакллантириш ва босиб чиқариш имконини беради. Ана шу ҳужжатларнинг ҳаммаси ахборот тусига эга бўлиб, улар ТЭТК мухри билан тасдиқланмоғи лозим.

**«1031-сон Низом бўйича рўйхат»** бухгалтер корхона ходимлари тўғрисида ахборот киритишини назарда тутади. Таъкидлаш жоизки, бунда ходимларнинг уяли телефонлари рақамлари кўрсатилган тақдирда, уларнинг ҳар бирiga автомат тарзда «Шахсий кабинет» очилади. Бу майший истеъмолчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда тегишли имкониятлар, танишиш учун ахборотлар назарда тутилади.

Ходимнинг истагига кўра тўлов суммаси бевосита «Шахсий кабинет»да ўзгартирилиши мумкин, бунинг учун ТЭТКга бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Янгиланган маълумотларни киритиб, рўйхат сақланиши таъминланса бас. Мабодо ходим ишдан бўшаётган бўлса ёки хизматлар учун тўлов иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан тўланишини истамаса, «Шахсий кабинет»да уни тўловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш имконияти назарда тутилган.

Бироқ «Шахсий кабинет» бухгалтерни ҳар ойда ТЭТКга боришдан озод қилмайди. Тўлов амалга оширилганидан кейин истеъмолчиларга тўлов суммаси кўрсатилган ҳолда СМС-хабар юборилади, корхона бухгалтери эса ой мобайнида ТЭТКга тўловчиларнинг қофоздаги реестрини тақдим этмоғи лозим.

«Шахсий кабинет»да шунингдек электр учун ҳақни маошдан ушлаб қолиш йўли билан тўлайдиган ходимларнинг рўйхатидан ташқари, башарти қарздорлар бўлса, уларнинг рўйхатини ҳам чиқартириб олиш мумкин.

Бундан ташқари, «Шахсий кабинет»да «Лимитни ўзгартиришга оид талабнома» деган бўлимда лимитни кўпайтириш (камайтириш) мумкин. Бу ерда бир неча ойга тааллуқли ахборот мужассам топган. Лимитни ўзгартириш хусусида буюртма бергандага юридик шахс лимитни қанча микдордаги киловатт-соатга кўпайтириши (камайтириши) сўраётганилиги кўрсатилмоғи, талаб тегишлича асослантирилмоғи керак.

**«Буюртмалар ва аризалар»** бўлинмаси электр энергиясини узиб қўйиш ёки улаш юзасидан ТЭТКга буюртма бериш; монтёр чақириши; инвентаризация ўтказиш; кўрсаткичларни қайд этиш; ҳисоблагични ўрнатиш ёки алмаштириш; ҳисоблагични пломбалаш имконини беради. Буюртма ва ариза қабул қилинганлиги, кўриб чиқилганлиги ва унинг устида иш олиб борилаётганлиги ҳақида «Тасдиқномалар» ёрдамида ТЭТКдан тасдиқнома олинади.

«Шахсий кабинет» бухгалтерга ТЭТКга бормасдан туриб, ахборот олиш мумкинлиги жиҳатидан жуда кулай. Тўғри, бухгалтер ойда бир марта 1031-сон Низомга мувофиқ электрон энергияси ҳақи учун маблағлар иш ҳақидан чегирма қилинадиган ходимлар реестрини олиб боради.

Умуман олганда, бундай ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги хусусида муайян андиша ва шубҳалар ҳам йўқ эмас. Зотан юридик шахснинг электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, Интернет орқали юборилган ҳужжати қонун ҳужжатларига мувофиқ қофоз шаклида тайёрланиб, расмийлаштирилган ва тасдиқланган ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади («Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Конуннинг 7-моддаси). ◉

**Ольга КИРЬЯКОВА,**  
мухбиримиз.

## Мавзуга қайтиб

Муаллиф газетхонларни энергия истеъмолчилари бўлган жисмоний шахсларнинг «Шахсий кабинет»лари билан танишириш асосида бу интерфаол хизматнинг фойдаланувчилар учун ноқулай жиҳатларига ҳам тўхтабил ўтган эди.

Энергия етказиб берувчиларга тан бериш керак – улар муҳбиризига телефон қилиб, унинг эътиrozларини бирма-бир аниқлаб олдилар, баъзиларининг сабабларини бартараф этишга муваффақ бўлдилар ҳам. Чунончи, «Шахсий ҳисобварақнинг ҳолати» бўлимида тўлов квитанциясини чиқариб олиш имконияти юзага келди. Янгича кўринишдаги браузер ёрдамида тўлдирилган квитанция шакллантирилади, қарзи борларнинг қарзи кўрсатилади, тўлов учун суммани мустақил тарзда ёзиш имконияти назарда тутилади. Истеъмол қилинган электр энергияси учун шу квитанция асосида, илғариги пайтлардагидек, кассаларда, банкларда ва Paynet тизими орқали тўлаш мумкин. Паролни ўзgartириш ҳам назарда тутилган бўлиб, эндиликда у учта эмас, тўртта белгидан ибо-

рат бўлади. Паролни майший истеъмолчининг «Шахсий кабинет» орқали ёки маблағларни ҳисоблаб ёзиш ҳақида келган хабарнома рақамига «Р» ҳарфини қайд этган ҳолда СМС-сўров юбориш орқали олиш мумкин. Шунингдек энди паролни янгисига алмаштириш имконияти ҳам бор. Бунинг учун ўзингизга тегишли логинни дарчага киритиб, «Пароль олиш» деган тугманни босасиз. Истеъмолчининг уяли телефонига паролли СМС-хабар келиб тушади.

Агар олдиндан айтиб қўйилмаган бўлса, истеъмолчига СМС-хабарлар ўзбек тилида келади. Бундай хабар юбориши иши рус тилида амалга оширилиши учун катта инглизча «T2» ҳарфи асосида СМС-хабар юбориш зарур.

Агар «D» ҳарфи билан жўнатилса, истеъмолчи шахсий ҳисобвараги ҳолатига оид хабар, бинобарин қарзи суммаси ёки олдиндан тўланган ҳақ суммаси ҳақида хабар олади. **О**

**Ольга КИРЬЯКОВА,  
муҳбиризим.**



## Муаммо бор

# ДИРЕКТОР УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛГАНДИК – ЎЗИМИЗНИ ЖАЗОЛАШДИ



**2012 йилюида биз ўзимизнинг «Шоҳи замон 1» ХУМШга мурожаат қилиб, уйимиз ертўласини тартибга келтиришни илтимос қилдик. Ширкат директори ваъда берса-да, бироқ ҳеч нарса қилиб бермади. 2012 йил октябринда биз Мирзо Улуғбек туман санэпидемстанциясига шикоят ёздик. Ертўлани тозалашлари ҳам, санэпидемстанциядан жавоб келиши ҳам чўзилиб кетгач, 2013 йил марта-да биз туман прокуратурасига мурожаат қилдик, у директорни ертўлани тартибга келтиришга мажбур қилди, жуда қисқа муддат ичидаги ушбу иш бажарилди ҳам. Биз ҳамма ишлар жойидалиги тўғрисида далолатномани имзоладик. Бироқ охир-оқибатда санэпидемстанция ХУМШга қарийб 400 минг сўм жарима солди, у ... яшовчиларнинг пулларидан тўланди. Тушунтириб берсангиз, жаримани директорга эмас, балки уйда яшовчиларга солиш тўғрими? Зоро, агар ХУМШ директорининг нотўғри ҳаракатлари ва хизмат вазифаларини бажармаганлиги учун унинг ўзини эмас, балки яшовчилар жаримага тортилса, бизнинг ҳатто шикоят қилишимизга ҳожат бормиди?**

Тошкент шаҳар Марказ-2 даҳасидаги 16-йида яшовчилар номидан ХУМШ тафтиш комиссияси.

– Сизнинг мурожаатингиздан амалдаги қонун ҳужжатларини бир нечта бузишлар кўзга ташланади, хусусан ХУМШ раиси ва ижрои директори томонидан санитария қоидалари, молиявий интизом ва бухгалтерия ҳисоби, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган.

Аҳоли пунктлари ва худудларни саклаш, хўжалик-маиший чиқиндишларни утиллаштириш, тўплаш, саклаш бўйича санитария қоидаларини бузиш фуқароларга ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (Маъ-


мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 53-моддаси; «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Конуннинг 29, 30-моддалари; Президентнинг 2.03.1998 йилдаги ПФ-1933-сон Фармони).

Бироқ ҳукуқбузарлик учун маъмурӣ жавобгарлик 16 ёшга тўлган жисмоний шахслар ва мансабдор шахслар – вазифаларига раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар кирадиган, маъмурӣ ҳукуқбузарликлар субъектлари ҳисобланадиган ходимларга нисбатангина қўлланади (МЖТКнинг 13-17-моддалари).

Жарима ҳукуқбузар томонидан унга

жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай тегишли банк муассасасига тўланиши лозим. Ҳукуқбузар жаримани белгиланган муддат ичидаги тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий





тартибда ундириб олиш учун юборилади (МЖТКнинг 332-333-моддалари).

Мансабдор шахсга солинган жарима суммаси ташкилот ҳисобварагидан пул ўтказиш йўли билан тўланса, ташкилотда молиявий интизом ва бухгалтерия ҳисоби бузилган ҳисобланади. Исталган ходимнинг унинг иш ҳақи ва корхона билан тузилган қарз ёки ссуда шартномаси ҳисобига амалга оширилмаган шахсий тусдаги тўловлари ташкилот харажатлари таркиби киритилиши мумкин эмас, бундай таркиб иқтисодий асосланган ва меъерий ҳужжатлар, устав ёки таъсис шартномасига, ХУМШ учун эса – унинг аъзолари йиғилишининг қарорига ҳам мувофиқ келиши керак. (Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом<sup>1</sup>; Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулқдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомнинг<sup>2</sup> 6-8-бандлари).

Агар ходим ушбу суммани ташкилотга тўламаса, унинг миқдорига корхона ёки ташкилотнинг фойдаси камайтиради, у йўқ бўлган жойда эса, масалан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган ХУМШда бу ҳол смета бўйича режалаштирилган ишларни бажаришга маблағларнинг етишмаслиги олиб келади.

Бироқ амалиётда мансабдор шахсларга солинган жарималар ташкилотнинг фойдаси ҳисобига қопланадиган

бундай вазиятлар кўплаб учрайди. Бунда жарима суммаси солик қонунчилигини бузишдан кочиш мақсадида ходимнинг олинган моддий нафига киритилади ва унга даромад солиги солинади, бу билан мазкур сумма унинг моддий нафи ҳисобланishi эътироф этилади (Солик кодекси 177-моддаси биринчи қисми 1-бандининг бешинчи хатбошиси).

Мазкур ҳукуқбузарлик ХУМШ тафтиш комиссияси ёки аудиторлик текшируви томонидан аниқланиши ва ҳукуқбузарлик далили бўйича қарор қабул қилиш учун аъзолар йиғилишининг муҳокамасига киритилиши мумкин («Хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Конуннинг 19, 27-моддалари).

Айбор мансабдор шахс, шу жумладан раҳбар ҳам, ташкилот кассасига киритиш йўли билан ташкилот зарарини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин, низони ихтиёрий равишда тартиба солишдан бўйин товлаган тақдирда, материаллар даъво тартибида мажбуран ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича судга берилиши керак (Меҳнат кодексининг 206, 208-моддалари).

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши файрихуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиши муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қылганлик, шунингдек фуқаронинг бузилган ҳукуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 43-моддаси). Фуқароларнинг ариза ёки шикоятлари 15 кундан бир ойгacha бўлган муддат ичидан, фавқулодда ҳолларда эса – 2 ойгacha бўлган муддатда кўриб чиқи-

лади («Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Конуннинг 18-моддаси). Фикримизча, кўрсатилган муддатлар бузилган (санитария-эпидемиология станциясига дастлабки мурожаатда шундай бўлган) тақдирда, бўйсуниш тартибда юқори ташкилотга ёки бевосита фуқаролик ишлари бўйича судга унинг ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат қилиш керак эди.

Бироқ ХУМШ тўғрисидаги қонунчилик ташкилотни бошқаришнинг юқори органи сифатида унинг аъзолари йиғилишига кенг ваколатлар беришига ҳам эътиборни қаратмоқчимиз. Шу сабабли уй-жой мулқдорларининг фуқаролик позициясига, уларнинг назоратига маблағларни мақсадли сарфлаш ҳам, раҳбарларнинг иши ҳам боғлиқдир, зоро йиғилиш раҳбарларни улар ўз мажбуриятларини қониқарсиз ижро этган тақдирда муддатидан аввал қайта сайлашга ҳақли («Хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Конуннинг 19-моддаси). ◉

**Римма СОЛОДОВНИКОВА,  
эксперт-юристимиз.**

**Таҳририятдан.** Мазкур ҳолатда шундай савол туғилади: нима учун мансабдор шахс – ширкат директорининг айби учун ширкат уйда яшовчиларнинг бадаллари ҳисобига тўловни амалга ошириши, бу билан уларнинг уйдаги қандайдир ишларни бажармаганлиги учун жазолаши керакми? «Норма маслаҳатчи» ўзининг «Биз яшайдиган уй» нашрларидан биррида ушбу масалани кўтариб чиқкан эди («ХУМШга нисбатан даъволар бўйича фуқаролар жавоб берадилар», 16.10.2012 йилдаги 41 (378)-сон). Бироқ, таҳририятга қилинаётган мурожаатларга қараганда, бу муаммо бугун ҳам долзарблигича қолмоқда.

<sup>1</sup> ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

<sup>2</sup> МВ, ИВ ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг АВ томонидан 10.04.2007 йилда 1672-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.



## Бу ҳақда сўраган ЭДИНГИЗ

# БУЗИЛГАН УЙ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Фуқаро ва юридик шахсларнинг ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш муносабати билан кўриладиган заарларни қоплаш масалалари бўйича маслаҳатларни экспертилиз Мирқодир ХИДОЯТОВ беради.



Мен кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномасини оиласам аъзосига расмийлаштирумокчи эдим. Бироқ, бошқа ҳужжатлардан ташқари, бунинг учун архитектура органларининг яқин йиллар ичи-

да уй-жойим бузилиши ёки бузилмаслиги тўғрисида маълумотномаси ҳам талаб қилиниши маълум бўлди. Бу қанчалик қонуний ва уни қаердан олиш мумкин?

– Ҳа, нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқномага<sup>1</sup> мувофиқ кўчмас мулк олди-сотдиси, гарови, алмаштирилиши, ҳадя қилинини амалга ошириш учун зарур ҳужжатлар рўйхатига Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг битим учун таклиф этилаётган иморатни бузишлари мумкинлиги тўғрисида маълумотлари ҳам киради. Фақат **хусусийлаштирилган** уй, квартира ёки уларнинг бир қисми учинчи шахсларга берилган (шу жумладан ҳадя қилинган) тақдирдагина нотариусга тақдим этиш учун уларни олиш талаб этилмайди.

Кўрсатилган маълумотларни олиш учун вилоятингиз ёки Тошкент шаҳрининг Архитектура ва қурилиш бош бошқармасига мурожаат қилиш керак. Пойтахтда у қўйидаги манзилда жойлашган: **Навоий қўчаси, 2А, маълумотномалар бўлими.**

**Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш муносабати билан фуқароларнинг уй-жой ва бошқа иморатлари, иншоотларини бузиш тўғрисида ишончли ахборотнинг йўқлиги кўпинча ҳокимият органлари вакиллари ҳаракатларининг ноқонунийлиги тўғрисида мишишлар туғдиради. Шу сабабли улар фуқароларни мазкур вазиятда хабардор қилишлари керакми-кекар эмаслигини билишини хоҳлардим.**

– Ер участкасини олиб қўйиш ҳамда уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва довдараҳтларни (бундан кейин – обьектлар) кўчириб ташлаш тўғрисидаги қарорлар бош режалар, шунингдек шаҳарлар ва қўргонларнинг уй-жой мавзелари ҳамда даҳаларини бағасил режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади. Олиб қўйилаётган ер участкаларида обьектларни асоссиз равишда бузишга йўл қўйилмайди.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлеклари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер участкасини олиб қўйиш, ер участкасида жойлашган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатларни, иншоотларни бузиш ва довдараҳтларни кўчириб ташлаш тўғрисидаги тегишли қарорлари нусхаларини билдиришномага илова қилган ҳолда, **бузиш бошлангунгача 6 ойдан кечикмай**, имзо қўйдириб уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар ва довдараҳтлар мулқдорларини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт (**Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомнинг<sup>2</sup> 3,4-бандлари, бундан кейин – 97-сон Низом**).

**Ер участкасини олиб қўйиш, уй-жой ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва довдараҳтларни кўчириб ташлаш тўғрисидаги билдиришномани олган фуқароларнинг заарларини кафолатли қоплаш бўйича ҳудудий ҳокимият органларининг ҳаракатлари қандай бўлиши керак?**

– Комиссиянинг компенсация миқдори ва тури – бузилаётган уй (квартира) ўрнига мулқдорга турар жой бериш ёки мулқдорнинг ҳоҳишига кўра пул шаклида компенсация берилишини таъминлаш ҳақидаги қарори ҳоким томонидан тасдиқлангандан сўнг мулқдор ҳокимликка бузилиши керак бўлган уй (квартира)ни бўшатиш тўғрисида кафолат хати тақдим этади.

**Бузилаёнган уй (квартира) ўрнига турар жой берилган тақдирда уларни бузиш фақат томонларнинг келишуви бўйича мулқдорга бузилаётган уй (квартира) ўрнига турар жой берилгандан кейин амалга оширилиши мумкин (Уй-жой кодекси (УК)нинг 27-моддаси; 97-сон Низомнинг 17, 18-бандлари).**

<sup>1</sup>Адлия вазирининг АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>ВМнинг 29.05.2006 йилдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган.

**Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилган тақдирда, турар жойни (квартирани) бузиш фақат мулқдорга ер участкаси ажратилгандан, шунингдек ер участкасини ўзлаштириш даврига 2 йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилгандан кейин амалга оширилиши мумкин (УКнинг 28-моддаси; 97-сон Низомнинг 24, 25-бандлари).**

**Уйлари (квартиralари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун уларнинг ҳоҳишига кўра янги жойда уйлар, иморатлар барпо этилади ҳамда уларга мулқ қилиб берилади. Бунда бузилаётган уйлар (квартиralар), иморатларнинг қиймати пул билан қопланмайди (97-сон Низомнинг 38-банди).**

**Бузилаёнган уйлар (квартиralар) учун компенсациянинг қиймати ким томонидан ва қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади?**

– Бузилаёнган обьектлар учун тўлов миқдори масаласини кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳоким ўринбосари бошчилигига ҳокимликнинг молия ва бошқа бошқармалари (бўлимлари) вакилларидан, ерлардан фойдаланиш ва қўриқлашни назорат қилиш бўйича давлат инспектори, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ер участкаси олиб қўйилаётган ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи), ўзига ер участкаси ажратиб берилади таркибда таркибда тўлов миқдорини ва компенсация турини белгилаш бўйича комиссия ташкил қиласди.


Уйлар (квартиralар), иморатлар ва иншоотларни, шунингдек олиб қўйилаётган ер участкаларидағи кўп йиллик довдараҳтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисбот ҳокимлик комиссиясига берилади (97-сон Низомнинг 9, 10-бандлари).

**Автотрассанинг кенгайтирилиши муносабати билан кўчанинг биз яшайдиган тарафи бузилаёнган бўлди. Менга мерос бўлиб ўтган уй учун компенсация тўлашди, унинг ҳовлисида курилган турар жойлар учун компенсация тўлашдан бош тортишди. Ҳокимликнинг ушбу ҳаракатлари қонунийми?**

– Афсуски, ҳокимлик комиссиясининг қонунчилик талаблари доирасида фуқароларнинг манфаатларини максимал даражада таъминлашни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак бўлган компенсацияларнинг миқдор ва турлари тўғрисида чиқарган қарорлари ҳақида етарлича тушунтириш ишини олиб борилмаганлиги ушбу масалада нозик жиҳатлардан бўлиб қоляпти. Ушбу тамойиллар бузилган жойда норозиликлар ҳам юзага келиши табиийдир.

Шу билан бирга ҳокимлик комиссияси компенсация миқдори ва турини белгилаётганда кўчмас мулқ эгалари йўл қўйган ҳуқуқбузарликларни тез-тез аниқлайдилар. Айниқса белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бино ва иморатларга мулқ ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг йўқлиги кўп учрайди. Бу компенсация миқдорида акс этади, чунки, 97-сон Низомнинг 6-бандига кўра, ўзбошимчалик билан барпо этилган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар ва иншоотлар қиймати тўланмайди. Агар сизнинг кейин курилган иморатларнинг давлат кадастри органларида тегишли тарзда расмийлаштирилмаган бўлса, улар компенсациясидан бош тортиш ана шу билан изохланиши мумкин.





**Агар жисмоний шахс бузилаётган уй қийматининг баҳоси ва тақлиф этилаётган пул компенсацияси суммасига рози бўлмаса, нима қилиш керак?**

– Туман (шаҳар) ҳокимининг уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва довдараҳтларни кўчириш ҳамда уларнинг қийматини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, шунингдек суд тартибида шикоят қилиниши мумкин (97-сон Низомнинг 5-банди).



**Курилган бино, иморатта мулк хукуки қандай меъёрий ҳужжат асосида расмийлаштирилади ва уларни рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади?**

– Мулк эгаси бўлган ёки кўчмас мулкка ашёвий хукуқлар

<sup>2</sup>ВМнинг 2.06.1997 йилдаги 278-сон қарори билан тасдиқланган.

га эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар уларга тегишли бинолар ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлишлари шарт. Уларни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти мулк эгасига ёхуд кўчмас мулкка ашёвий хукуқларга эга бўлган шахсга юкланди. Улар бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича барча ёки айрим мажбуриятлари ни учини шахсларга юклашлари мумкин.

Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш **Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиши тартиби тўғрисида низомга<sup>3</sup> асосан туман (шаҳар)нинг ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларида**, у белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида бино ёки иншоот куриб битказилгандан сўнг ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда битишувлар содир этилгандан сўнг амалга оширилади (курсатилган Низомнинг 7, 16-бандлари). ◉

## КВАРТИРАДАГИ УЛУШИНГИЗ...



**Биринчи никоҳимда мен яшаган квартира 1992 йилда рафиқам номига хусусийлаштирилган эди. Мен уни хусусийлаштиришга розилик берганман, ҳозиргача унга прописка қилинганман, бироқ у ерда яшамайман. Хусусийлаштириш пайтида квартирада вояга етмаган икки боламиз ҳам яшарди.**

**Ҳозирги вақтда мен хотиним билан ажрашганман. Мазкур квартира давлат далолатномасига асосан собиқ рафиқам номига қайд этилган. Менда эса, кўринадики, унга доир ҳеч қандай ҳужжатлар мавжуд эмас.**

**Конун бўйича мазкур квартирада қандай улуш менга тегишли? Унга доир ҳужжатларни қандай қилиб олишим мумкин?**

Сергей М.,  
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани.

– Ўтган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистоннинг кўп фуқаролари квартиralарини хусусийлаштирганлар. Бунда давлат далолатномаси бир киши номига ёзилган, хусусийлаштиришга розиликни эса у билан бирга яшовчи оиласининг барча вояга етган аъзолари беришган. Бугунги кунда айнан улар хусусийлаштирилган квартиранинг шерик мулкдори ҳисобланадиларми ва ундаги улушга бўлган хукуқларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни қандай қилиб олишлари мумкин деган саволлар пайдо бўляпти.

Олий суд Пленумининг «Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасаруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» қарорининг (2.05.1997 йилдаги 3-сон) 2-бандига кўра барча ижаравчилар рози бўлганда улар эгаллаган квартира хусусийлаштирилиши мумкин. Бунда хусусийлаштиришнинг ҳар бир иштирокчисида (ижарачида) квартирага нисбатан умумий хиссали мулк хукуки вуждуга келади.

**Уй-жой кодекси 32-моддасининг бешинчи қисмiga мувофиқ хусусийлаштирилган квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ва уй-жойнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахслар ҳам уларнинг умумий мулки бўлмиш хусусийлаштирилган квартира ёки уйга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг хукуқларга эга бўладилар ва тенг мажбуриятларни бажарадилар.**

«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Конуннинг 13-моддасига кўра, агар хусусийлаштирилган турар жойда, ижаравчидан ташқари, оиласининг уни хусусийлаштиришга розилик берган бошқа аъзолари ҳам яшашса, уларнинг ҳаммаси ушбу турар жойнинг мулкдорларига айланадилар, эгалланган турар жойга эгалик эса хусусийлаштириш натижасида умумий эгаликка айланади (ОС Пленуми курсатилган қарорининг 16-банди).

Шу тариқа, қонунга кўра сиз собиқ рафиқангиз билан бир қаторда хусусийлаштирилган квартиранинг шерик мулкдори ҳисобланасиз.

Ижаравчи билан бирга яшайдиган ва унинг оила аъзолари ёки собиқ оила аъзолари ҳисобланадиган вояга етмаган шахслар (болалар) ижара шартномасидан келиб чиқадиган тенг хукуқларга эгалиги сабабли, улар эгалланган турар жой хусусийлаштирилган тақдирда (шу жумладан оила аъзоларидан бири томонидан текинга хусусийлаштирилган тақдирда ҳам) вояга етган фойдаланувчи билан бир қаторда **ушбу турар жойга умумий эгалик иштирокчиларига айланадилар**.

Сизнинг болаларингиз хусусийлаштириш пайтида мазкур квартирада яшаган ва унда прописка қилинган бўлсалар, улар ҳам квартиранинг шерик мулкдорлари ҳисобланадилар.

Фуқаролик кодексининг 182-моддасига кўра мулк хукуқини олиш асоси бўлиб давлат мол-мулкини хусусийлаштириш ҳисобланади.

«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Конун 13-моддасининг 4-бандига мувофиқ хусусийлаштирилган турар жой эгаликни оила аъзолари ҳамда турар жой майдонига ҳақли бўлиб, уни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар шу турар жой майдонидан фойдаланиш хукуқини сақлаб қоладилар, хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Шу тариқа, сиз, собиқ рафиқангиз ва у билан биргалидаги болаларингиз квартиранинг тенг улушлардаги мулкдорлари ҳисобланасизлар – уларнинг ҳар бири квартиранинг 1/4 қисмига хукуқقا эгалар.

Агар сиз квартирадаги улушга хукуқингизни тасдиқлайдиган ҳужжатларга эга бўлишни хоҳласангиз, фуқаролик ишлари бўйича судга унинг 1/4 қисмига эгалик хукуқингизни тан олиш тўғрисида даъво билан мурожаат этишингиз мумкин. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин сиз ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармасига мурожаат қилишингиз керак, у ерда сиз тегишли кадастри ҳужжатларини оласиз. ◉

Ахтам ҲИҚМАТОВ, адвокат.

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

## ЧЕТ ДАВЛАТ СУДИ ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг наебатдаги Пленуми мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий хўжалик судининг судьялари, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлеклари, Савдо-саноат палатаси, Ҳакамлик судлари ассоциацияси, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, ҳукуқшунос олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси Д.Мирзакаримов бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, хорижий давлатлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик алоқалари тобора юксалиб бораётгани таъкидланди.

Юртимиз тадбиркорлари ўз фаолиятини халқаро миқёса ҳам кенгайтириб, хорижий ҳамкорлари билан шартномавий муносабатларга киришмоқда. Бундай муносабатлар ушбу йўналишда зарур ҳукуқий асослар бўлишини тақозо этади.

Мамлакатимизда бундай масалаларни тартибга соилиш, шу жумладан ўзаро ҳукуқий ёрдам кўрсатишга оид конвенциялар, битимлар ва бошқа халқаро ҳужожатлар ратификация қилинган. «Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш

тўғрисида»ги (1958 йил 10 июнда Нью-Йорк шаҳрида имзоланган), «Фуқаролик, оиласи ва жинон ишлар бўйича ҳукуқий ёрдам ва ҳукуқий муносабатлар тўғрисида»ги (1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган) конвенциялар, «Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги (1992 йил 20 марта Киев шаҳрида имзоланган) битим шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор давлатлар билан ўзаро ҳукуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама халқаро шартномалари мавжуд.

Хўжалик судлари томонидан 2010-2012 йиллар ҳамда 2013 йилнинг биринчи чорагида жами 190 чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топширигини ижро этиш тўғрисидаги ишларни ҳал этишга оид қонун ҳужожатларини кўллашда юзага келаётган айрим муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар. Пленумда кўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум муҳокамасига кирилтган «Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топширигини ижро этиш тўғрисидаги ишларнинг хўжалик судлари томонидан кўрилишида қонун ҳужожатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарор лойиҳаси мазкур тоифадаги ишлар юзасидан хўжалик судларига аниқ тушунтиришлар бериш, суд амалиётида уларни бир хилда ва тўғри кўллашга қаратилган.

Лойиҳада юқорида номлари қайд этилган конвенциялар ва халқаро шартномалар қоидаларини кўллашда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар бўйича батафсил тушунтиришлар берилган.

Пленумда сўзгачиқанлар суд амалиётидан келиб чиқиб, чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топширигини ижро этиш тўғрисидаги ишларни ҳал этишга оид қонун ҳужожатларини кўллашда юзага келаётган айрим муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар. Пленумда кўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**ЎзА материали  
асосида тайёрланди.**

Компаниямиз экспортга ўйналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонани сотиб олишни режалаштиряпти. Ҳозирги вақтда биз ушбу битимни амалга ошириш учун етарли маблағларга эга эмасмиз. Бироқ яқин ойларда ҳисоб-китоб рақамимизга пул келиб тушиши керак. Сотувчи биздан келгусида музилажак битимни амалга оширишнинг ёзма кафолатларини талаб қилияпти.

Буни қандай қилиб расмийлаштириш керак? Бундай аҳдлашувларнинг юридик кучи қандай бўлади?

Ф.А., раҳбар,  
С.К., бош бухгалтер.

## ДАСТЛАБКИ ШАРТНОМА – ҚУРБИНГИЗ ЕТГАНИДА СОТИБ ОЛИШ КАФОЛАТИ

– Сизнинг ҳолатингизда энг мақбул вариянт бўлиб дастлабки шартномани тузиш ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг (ФК) 361-моддасига мувофиқ дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш ҳақида шартномани дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар. У асосий шартнома учун белгиланган шаклда, агар шакл белгиланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади.


Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак. Унда тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади. Агар дастлабки шартномада бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий шартнома дастлабки шартнома тузишган пайтдан бошлаб бир йил ичидаги тузиши шарт.

Агар тарафлар асосий шартномани тузишлари лозим бўлган муддатнинг охиригача у тузишмаса ёки тарафларнинг биронтаси ҳам иккинчи тарафга ана шундай шартнома тузиш ҳақида таклиф юбормаса, дастлабки шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бекор бўлади.

Агар дастлабки шартноманинг тарафи уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаётган тараф шу туфайли етказилган зарапларни бошқа тарафга тўлаши керак (ФК 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмлари).

Шу тариқа, агар сиз корхона мулкдори ёки у ваколат берган шахс билан ФК талабларига риоя этган ҳолда дастлабки шартнома тузысангиз, шартнома уни имзолаган тарафлар учун мажбурий юридик кучга эга бўлади.

Павел СИЛЬНОВ, адвокат



## ҚАРЗНИ КЕЧИБ ЮБОРИШИНГИЗГА АСОС БОР

Бизнинг ташкилотимиз якка тартибдаги тадбиркорга юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатиб келган. Шартномага кўра кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ҳақни у ҳар доим юк олингандан кейин 10 кун мобайнида тўларди. Бироқ охирги юк олингандан кейин бир ҳафта ўтгач, ушбу мижоз тўсатдан вафот этди.

Вафот этган якка тартибдаги тадбиркорнинг қарзлари бўйича ким жавоб беради? Биз во-рислардан ушбу дебиторлик қарзини ундиришимиз мумкинми? Буни қандай қилиб тўғри амалга ошираса бўлади?

Г.Қодирова. Тошкент шаҳри.

– Қарздор вафот этгандан кейин қарзни ундириш масаласи жисмоний шахсларга турли кредитлар берадиган банк соҳасида ҳам; фойдаланилган ресурсларга ҳақ тўланмай қоладиган коммунал соҳада ҳам долзарб ҳисобланади; чунки майший соҳада кишилар кўпинча бир-бирларидан қарз оладилар; ишбилармонлик соҳасида якка тартибдаги тадбиркорлар билан шартномалар тузадилар.

ФКнинг 1113-моддасига кўра мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган барча ҳукуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Бунда:

юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳукуклари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соглиқка етказилган зарар учун товоң ундириш ҳукуқи;

алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган

ҳукуклар ва мажбуриятлар;

мехнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужожатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳукуки;

мулкий ҳукуклар билан боғлиқ бўлмаган шахсий но-мулкий ҳукуклар мерос таркибига кирмайди.

Айни шу боис кредиторлар өнсиётнинг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидир (ФКнинг 1156-моддаси). Бу ҳолда меросхўрлар ўзларига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар. Бундан келиб чиқадики, кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни биргаликда ёки уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни, шу билан биргана қарзни тўла ёки унинг бир қисмини бажаришини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 252-моддаси). Бироқ мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича улар мерос

қилиб олинган мол-мулк қиймати доирасида жавоб берадилар.

Ёзма эътирозни мерос очилган жойдаги нотариал идорага юбориш керак, у мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаш жойи ҳисобланади (ФКнинг 1117-моддаси; 26.12.1996 йилдаги 343-й-сон «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 51-моддаси), бунда шартнома билан белгиланган мажбуриятни бажариш муддатлари тугаши кутиб ўтирилмайди.

Даъвони қондириш рад этилган тақдирда мерос очилган жойдаги судга З.Ийлилк даъво муддати доирасида (мазкур ҳолда у қарздор вафот этган кундан бошлаб ҳисобланади) мурожаат қилиш керак. Бундай фуқаролик иши бўйича учинчи шахс сифатида мерос очилган жойдаги нотариусни ҳам жалб этиш ўринли бўлади.

Шуни эслатмоқчимизки, агар мерос қолдирувчига меросхўрлар бўлмаса ёхуд улар меросдан воз кечган бўлса, бу ҳолда мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади (ФКнинг 1157-моддаси), қарзларни ундириш мумкин бўлмайди.

Мажбуриятнинг бажарилмаслиги сабабини эътиборга олиб, сиз фуқаролик қонун ҳужожатларининг қарздан воз кечиш сифатида меъёри қўллаб (ФКнинг 348-моддаси), мавжуд шартномани бекор қилишга ҳақлисиз. Ва шундан кейин дебиторлик қарзини корхона зарарига ҳисобдан чиқариш керак.

Римма СОЛОДОВНИКОВА,  
эксперт-юристимиз.

# ЎСМА КЕТАР – ҚОШ ҚОЛАР...

**Суд ишларини юритиш амалиётида турфа хил ишлар учрайди. Судьялар жиноят ишлари тафсилотларинигина эмас, фуқаролик низолари билан боғлиқ «икир-чикирлар»ни ҳам ўрганишга, текширишга мажбур бўладилар. Никоҳдан ажратиш ёки оталикни белгилаш бўйича суд терговдан баъзан жиноят ишларидаги терговдан ҳам сермашақкат ва ҳаяжонли кечади.**

Ҳали-ҳали эсимда, талабалик амалиёти ўтаёттанимизда никоҳдан ажралиш жараёни билан боғлиқ суд мажлисида иштирок этган эдик. Нафратингни қўзғатадиган даражадаги хатти-ҳаракатларни кўриб биз, ёш қизлар, ҳайратдан ёқа ушлаганимиз. Қарий бизга тенгқур, кечагина келин-куёвлик рутбасида юрган жуфтлик ўзининг мол-мулкини бўлиб олишдаги хатти-ҳаракатларини кўрсангиз эди... Аслида ўз мол-мулкини дейиш жилла тўғри эмас, бинобарин, буларнинг ҳаммаси отоналар томонидан қилинган.

Кечагина бир-бирига севги-муҳаббат, садоқат туйгуларини айтиб чарчамаган бу ёшларга қараб ҳайрон бўласан киши. Тўй куни куёвбола ёстиқдошини кўлда кўтариб гўшангага олиб кирган бўлса эҳтимол. Тўй тантаналарида уларнинг шаъ-

келинчак ўша пайтларда расм бўлган «характеримиз келишмади» деган гап билан изоҳлаган бўлди. Бу таърифнинг аслида қамрови жуда кенг, ўз ичига кўп нарсаларни олади. Ўртада бола бўлмаганилиги сабабли никоҳдан ажратиш ортиқча мураккабликларсиз кечди. Аммо иш мол-мулкни бўлишга келганда сабик эр бор «тароватини курсатди».

Йигит ўзининг фикрича, суд унинг фойдасига тақсим қилиб олиб бериши лозим бўлган буюмларнинг каттагина рўйхатини тақдим этди. Рўйхатда ҳамма нарса – мебель, рўзгорда ишлатиладиган техникадан тортиб қошиқ-санчқи ва ликобчаларгача бор эди. Рўйхатнинг ҳар бир банди бўйича эр-хотин роса жанжаллашиб тортишиди. Ёшгина жувон сабик эри даъво қилаётган ёстиқни онаси бошқа

рафига гул туширилган сиркор чойнак ҳадя қилган эдилар деб қатъий туриб олди. Унинг қўлида ёстиқка тааллуқли ҳужжатли далил бўлмаса ҳам онаси идиш-товоқларни дўкондан сотиб олингандаги чекини сақлаб кўйган экан.

Уларнинг жанжал-низоларини, айниқса ўш йигитнинг сабик хотинига қарашли буюмлардан нимани бўлса ҳам кўлга киритиш йўлидаги «жонбозлиги»ни кўришнинг ўзи ёқимсиз эди. Дугонам яқингинада булар ўз тўйларида биргалиқда вальсга тушган бўлсалар керак, лекин ҳозир, очигини айтганда, буни тасаввур ҳам қилиш қийин деб пичирлади.

Халқимизда ўсма кетар – қош қолар деб бежиз айтилмаган шекилли.

Шунга ўхшаш яна бир воқеани анчагина йиллар аввал адвокат бўлиб ишланган танишим гапириб берган эди. Сир эмаски, адвокатлар ҳар қандай жиноятчани, у қанақа қабихликка кўп ўрган бўлмасин, ҳимоя қилишга мажбур. Бу иш пул эвазига амалга оширилиши ҳам мумкин. Судланувчилар ва терговга жалб этилганларни ҳимоя этиш хизмат мажбуриятига кирганлиги боис ҳам адвокатлар бу хил ишлар билан шуғулланадилар. Адвокат судда бундай шахслар манфаатини ҳимоя этишдан воз кечадиган ҳоллар ҳам оз эмас. Ўша танишимнинг кўп йиллик адвокатлик амалиётида шунақаси бўлган экан...

Адвокатлар идорасига 27 ёшли бир эркак киши мурожаат қилиб, судда, оталикни белгилаш жараёнида манфаатларни ҳимоя этиш учун адвокат кераклигини айтган. Танишим ўша куни навбатчи экан, шу боис унинг аризасини қабул қилиб, арзгўйни ҳимоя этиш юзасидан у билан битим тузган.

Йигит белгиланган ҳақни тўлагач, сабик хотини билан ўрталарида 5 яшар ўғли борлигини айтган. Хотини ажралиш ҳақида ариза бериб, боланинг

таъминоти учун алимент ундириш ҳақида даъво аризаси киритиди: ўғил ўзидан эмаслигига ишончи комил эканлиги сабабли у сабик хотинига алимент тўлаш ниятида эмас экан. Бу йигит хотини гумонали бўлган пайтда, ўзининг ҳисоб-китобига қараганда, хизмат сафарида бўлган. У ҳатто адвокатга хизмат сафари гувоҳномасининг нотариал тасдиқланган нусхасини ва 6 йил муқаддам бориб-келган жойга олган темир йўл билетларини кўрсатган. Мижоз хотиним табиатан ўйноқирок эди, менга муттасил ҳиёнат қилиб келган деб дангалига кўчган бўлибди.

Ниҳоят, суд мажлиси белгиланган кун келди. Адвокат ўз мижозини ҳимоя этиш учун асослантирилган нутқ тайёрлаб, уни мижоз берган ҳужжатлар билан тўлдиришини мўлжаллабди. Ўша кезлари оталикни экспертилек йўли билан белгилаш мумкин эмасди. Конни суд-биологик экспертизадан ўтказиш отонанинг қони муайян гуруҳда бўлган тақдирда улардан бола дунёга келиши эҳтимолини истисно эта оларди, холос. Аммо ўшанда экспертиза оталик фактини қатъий тасдиқлаб бера олмасди, негаки ҳали ДНКни экспертиза қилиш деган гаплар йўқ эди.

Мазкур иш бўйича суд-биологик экспертиза бола қони мансуб бўлган гуруҳга қараганда, шу онадан ҳам, шу отадан ҳам дунёга келиши мумкин, аммо бундай бўлмаслиги ҳам мумкин, деб хулоса берган.


Ниҳоят ҳақиқат аён бўладиган фурсат келди. Адвокатнинг айтишича, ўшанда у мижознинг сўзларига тариқча ҳам шубҳа қилмаганилиги учун унинг манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилишга тайёр эди. Унинг қатъиятига камтарлиги чехрасидан кўриниб турган хушрўйгина аёл суд мажлисига боласини етаклаб киргани ҳамони путур етди. 5 яшар бола қўйиб қўйгандек

мижознинг (отасининг) ўзи эди. Ҳалиги жувон судьянинг ёнига бориб, унга бир боланинг фотосуратини тақдим этди. Суратдаги бола билан аёлнинг ёнидаги болани бир-биридан фарқлаш қийин. Лекин суратнинг орт тарафидаги сана 22 йил муқаддам олингандигидан далолат берарди. Бу сурат мижознинг 5 яшарлигига олинган сурати экан.

Адвокат танишим буларни кўргач, энг муҳими, боланинг кўзлари мижозининг кўзларига ўхшашлигини, бола отасини кўриши билан унга талпинганини кўриб, ўз ҳимоясидаги шахснинг таҳқирона соҳтагарчилигини тушунди-ю, эркакка қараб унинг манфаатларини ҳимоя қила олмаслигини айтди. Бола кўйиб қўйгандек унга ўхшашлигини, бинобарин оталикни рад этиб у гирт ёлғон гапиранлигини таъқидлади. Судга ўз-ўзини рад этажагини арз қилди, мижозга эса ҳимоя учун тўлаган пулларини кейинроқ адвокатлик идорасидан қайтариб олиши мумкинлигини айтаб, суд мажлисини тарк этди.

Кейинчалик у судьядан шуни билиб олдики, муштипар аёл тутгурухонадан боласи ой-куни етмай тугилганлиги ҳақида маълумотнома олиб келган. Хуллас, манфур эркакнинг барча «далиллари» бефойда бўлиб чиқди. Суд уни ота деб топди ва алимент тўлаш мажбуриятини юклади. Лекин у ота деган номга арзирмикан? Эр-хотин ўртасида муносабат қай йўсунда кечмасин, бундан норасида жабрланмаслиги керак. Кўксидан қалби бўлган ҳар қандай одам шундай деб ўйлади. Аммо анави одамда қалб ҳам, виждан ҳам бор дейиш мушкул.

**Ольга МАРШАНСКАЯ,  
Адлия вазирлиги  
хузуридаги Республика  
суд экспертизаси  
марказининг давлат  
суд экспертизи.**



нига яхши тилаклар айтилганлиги, ёшларнинг бахтиёрлик онларини бола-бакралар ҳам кўрганлиги турган гап. Таассуфи, қандайдир сабабларга кўра уларда оила риштаси пухта бўлиб чиқмади.

Ажралишга қарор қўйгандигидан

кўрпа-тўшак ҳамда чойшаблар билан бирга сеп тариқасида кўшганлигини айтиб, жиг-биг бўлганлиги шундоққина кўз ўнгимда туриди.

Собик келин онам тўйга қошиқ, санчқи ва пичоқлар тўпламини, шунингдек ён та-

## РЕКЛАМА

**“AMIR-AUDIT” МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти

28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.

Ўзр АВИИ 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон

Республикасидаги  
барча ҳўжалик юритувчи  
субъектларда аудиторлик  
текширувлари ўтказади

Малака сертификатли  
аудиторларни ишга қабул  
қилимиз

Бухгалтерия хисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 844-62-23,  
296-55-78; факс (8371) 296-52-15

## ЭЪЛОНЛАР

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси қўйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги ҳўжалик низолари, жинойи ишлар, дебиторлик қарзини ундириш\*.

Тел. (+998 90) 989-19-07.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр\*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

\*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

### ХИЗМАТЛАР

Иш ҳужжатларини муковалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Лазерли принтерларни тўлдириш. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва майший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

1C 7.7 БУХГАЛЬТЕРИЯ ўрнатиш ва ўқитиш.  
Тел. (+998 90) 326-89-92.

Объектларни кўриқлаш. Тел.: 542-17-65, 508-74-34.

Иккисодий-хукукий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ТАССИСЧИ “Norma Namkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигига рўйхатга олindi.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРИР  
ФАРХОД КУРБОНБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. 283-44-27

Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru

www.norma.uz

Нашр учун маъсул:

Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаси назарига мос келавермайди.

Таҳририят муштарилик билан ёзишиб түриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»га ўзлонганинг материяларни тўлук ёки қисман кучириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, марказишига факат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида ўйл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан таҳоррӯланган диапозитилар ёрганига «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Инекс – 186 буюртма 1004 Адаби 2310. Бахоси көлишилган нархда

Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табоба чоп этилди.

ISSN 2010-5223